

**“AGRO FINANS LIZING” АЖ**  
**акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши**  
**Б А Ё Н Н О М А С И**

**Йиғилиш ўтказилган жой:** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20А-мавзе, 9-уй.

**Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти:** 2020 йил 28 декабрь, соат 11-00.

**Йиғилиш тури:** Навбатдаги йиллик.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кузатув кенгашининг 2020 йил 4 декабрдаги йиғилиш қарорига асосан чакирилган.

**Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида**  
**акциядорларга маълумот етказиш:**

2020 йил 5 декабрда “BIZNES Daily Биржа” иқтисодий газетасида тегишли ахборот эълон қилинган.

Жамият томонидан чиқарилган жами акциялар сони 2 300 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

**Йиғилишга қатнашганлар:**

1. “Агробанк” АТБ вакили банкнинг Ғазначилик департаменти Қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи Ш.Т.Очилов 1 173 000 овоз билан (2020 йил 11 декабрдаги 81-сонли ишончнома);

2. “LEADER FINANCE” МЧЖ директори М.Ў.Тиркашев 1 115 500 овоз билан;

Таклиф этилганлар:

Жамият кузатув кенгаши раиси	И.С.Аманов
Жамият Бошқарув раиси	А.Н.Холмуратов
Жамият Бошқарув раиси ўринбосари в.в.б.	М.Ў.Эшматов
Жамият бош ҳисобчиси	Ш.Н.Бобомуродов
Жамият ҳисобчиси	Н.А.Умбетова
Жамият лизинг бўйича бош мутахассиси	Б.Т.Абдумаликов
Жамият ҳуқуқшуноси	Д.Д.Примов
Жамият сервис бўйича етакчи мутахассиси	М.М.Жумаев

Йиғилишни Жамият кузатув кенгаши раиси И.С.Аманов олиб борди ва йиғилишда қуйидаги тартибда овоз беришни таклиф қилди:

- йиғилиш ишчи органи (Президиум ва котиби), регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш - очик овоз бериш йўли билан;
- йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича - ёпиқ овоз бериш йўли билан (овоз бериш бюллетенлари орқали).

Таклиф овозга қўйилди.

Таклиф очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Жамият кузатув кенгаши раиси И.С.Аманов умумий йиғилишни қонун доирасида олиб бориш учун умумий йиғилиш Президиуми, раиси ва котибини сайлаш учун номзодларни кўрсатишни таклиф этди.

Жамият бош ҳисобчиси Ш.Н.Бобомуродов сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш Президиумига, йиғилиш раислиги ва котиблигига сайлашни таклиф қилди.

- йиғилиш Президиуми:

1. И.С.Аманов - Жамият кузатув кенгаши раиси, “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси;

2. Ш.Т.Очилов - Жамият кузатув кенгаши аъзоси, банкнинг Ғазначилик департаменти Қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи.

- йиғилиш раиси - И.С.Аманов;
- йиғилиш котиби - Н.А.Умбетова.

**Очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:**

- йиғилиш Президиуми - И.С.Аманов, Ш.Т.Очилов;
- йиғилиш раиси - И.С.Аманов;
- йиғилиш котиби - Н.А.Умбетова.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.С.Аманов акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди.

**Йиғилиш раиси: И.С.Аманов - Жамият кузатув кенгаши раиси.**

**Йиғилиш котиби: Н.А.Умбетова - Жамият ҳисобчиси.**

Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш бўйича йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни таклиф қилди:

- Примов Дилшод Давронович - Жамият ҳуқуқшуноси.
- Абдумаликов Бахтиёр Тўлқиневич - Жамият лизинг бўйича бош мутахассиси.
- Жумаев Мансур Муродуллаевич - Жамият сервис бўйича етакчи мутахассиси.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан сайланди.

**Умумий йиғилиш қарор қилади:**

**Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси таркибига қуйидагилар тасдиқлансин:**

- Примов Дилшод Давронович - Жамият ҳуқуқшуноси.
- Абдумаликов Бахтиёр Тўлқиневич - Жамият лизинг бўйича бош мутахассиси.
- Жумаев Мансур Муродуллаевич - Жамият сервис бўйича етакчи мутахассиси.

Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қатнашиш учун рўйхатдан ўтган акциядорларни жамлаш натижалари ва йиғилиш кворумини аниқлаш учун йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзни санок комиссияси раиси Д.Д.Примовга берди.

Санок комиссияси раиси Д.Д.Примов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлишини эслатиб ўтди. Шунга асосан йиғилишда жами 2 288 500 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 2 та акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлигини ва йиғилиш кворуми 99,5 фоизни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, “AGRO FINANS LIZING” АЖ кузатув кенгаши томонидан тайёрланган ва 2020 йил 5 декабрда “BIZNES Daily Биржа” иқтисодий газетасида эълон қилинган йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди.

## **К У Н Т А Р Т И Б И:**

- 1.Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.
- 2.Жамият Бошқарув раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
- 3.Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.
- 4.Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини эшитиш.

5.Жамиятнинг 2019 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш.

6.2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш, акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.

7.Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига 2019 йил фаолияти учун моддий рағбатлантириш миқдорини тасдиқлаш.

8.Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказиш учун ташқи аудиторни ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини тасдиқлаш.

9.Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

10.Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

11.Жамият Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини 1(бир) йилга узайтириш.

12.Жамият Бошқарув аъзоларини сайлаш.

13.Жиззах вилояти Зомин туманида боғ ва токзорлар барпо этиш бўйича томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш технологиялар ҳамда кўчатлар сотиб олиш учун тузилган йирик битимни тасдиқлаш.

14.Қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритиш учун тузилган қўшимча келишув шартномаларини тасдиқлаш.

15.Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, акциядорларни йиғилиш регламенти билан таништирди.

#### **Йиғилиш Регламенти:**

1.Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш. **(Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - И.С.Аманов) 5 дақиқа;**

2.Жамият Бошқарув раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш. **(Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - А.Н.Холмуратов) 10 дақиқа;**

3.Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш. **(Маърузачи: Жамият бош ҳисобчиси - Ш.Н.Бобомуродов) 5 дақиқа;**

4.Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини эшитиш. **(Маърузачи: Жамият бош ҳисобчиси - Ш.Н.Бобомуродов) 5 дақиқа;**

5.Жамиятнинг 2019 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш. **(Маърузачи: Жамият бош ҳисобчиси - Ш.Н.Бобомуродов) 5 дақиқа;**

6.2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш, акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш. **(Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - И.С.Аманов) 5 дақиқа;**

7.Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига 2019 йил фаолияти учун моддий рағбатлантириш миқдорини тасдиқлаш. **(Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - А.Н.Холмуратов) 5 дақиқа;**

8.Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказиш учун ташқи аудиторни ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини тасдиқлаш. **(Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - А.Н.Холмуратов) 5 дақиқа;**

9.Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш. **(Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - И.С.Аманов) 5 дақиқа;**

10. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш. (*Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - И.С.Аманов*) 5 дақиқа;

11. Жамият Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини 1(бир) йилга узайтириш. (*Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - И.С.Аманов*) 5 дақиқа;

12. Жамият Бошқарув аъзоларини сайлаш. (*Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - И.С.Аманов*) 5 дақиқа;

13. Жиззах вилояти Зомин туманида боғ ва токзорлар барпо этиш бўйича томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш технологиялар ҳамда кўчатлар сотиб олиш учун тузилган йирик битимни тасдиқлаш. (*Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - А.Н.Холмуратов*) 5 дақиқа;

14. Қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритиш учун тузилган қўшимча келишув шартномаларини тасдиқлаш. (*Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - А.Н.Холмуратов*) 5 дақиқа;

15. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш. (*Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - А.Н.Холмуратов*) 5 дақиқа.

- Мунозаралар учун - 5 дақиқа;
- Маълумотлар ва саволларга жавоб бериш учун - 5 дақиқа;
- Овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 5 дақиқа.

Йиғилишни 1 соат 35 дақиқа давомида, яъни соат 12-35га қадар танаффуссиз тугатишни таклиф қилди.

Йиғилиш регламенти очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

**1. Кун тартибидagi биринчи масала** (*Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш*) бўйича жамият Кузатув кенгаши раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботи эшитилди. (Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботи илова қилинади).

Кузатув кенгашининг йил давомида бўлиб ўтган йиғилишлари билан қисқача таништирди. Кузатув кенгаши раиси И.С.Аманов 2019 молия-хўжалик йилида ўтказилган йиғилишлар ва Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалар тўғрисида қабул қилинган қарорлар юзасидан акциядорларни хабардор қилди.

Маъруза юзасидан саволлар ва қўшимчалар бўлмади. Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботи қониқарли деб маъқулланди ва акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилинди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**2. Кун тартибидagi иккинчи масала** (*Жамият Бошқарув раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш*) юзасидан жамият Бошқарув раиси А.Н.Холмуратов сўзга чиқиб, 2019 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда жамиятнинг 2019 йилдаги бизнес-режасини бажарилиши бўйича ҳисобот берди. (Жамият Бошқарув раиси А.Н.Холмуратовнинг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботи илова қилинади).

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.С.Аманов жамият Бошқарув раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**3. Кун тартибидagi учинчи масала** (*Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT”*)

аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш) бўйича жамият бош ҳисобчиси Ш.Н.Бобомуродов сўзга чиқиб, “AGRO FINANS LIZING” АЖнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказилганлигини ва аудиторлик текшируви натижаси бўйича 2020 йил 24 июлда ижобий аудиторлик хулосаси берилганлигини маълум қилди ва йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижаси юзасидан МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг хулосасини ўқиб эшиттирди.

Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси бўйича МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосасида жамиятнинг 2019 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттириши ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келиши кўрсатилган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**4. Кун тартибидаги тўртинчи масала** (Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини эшитиш) бўйича жамият бош ҳисобчиси Ш.Н.Бобомуродов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига 2019 йил якуни бўйича “AGRO FINANS LIZING” АЖ молия-хўжалик фаолиятини ўтказилган текшириш натижаси бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. (Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосаси илова қилинади).

Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини ўтказилган текшириш натижаси бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосасида жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича молиявий хўжалик фаолияти юзасидан тузилган ҳисоботи, унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттириши кўрсатилган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини маълумот учун қабул қилишини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**5. Кун тартибидаги бешинчи масала** (Жамиятнинг 2019 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш) бўйича жамият бош ҳисобчиси Ш.Н.Бобомуродов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини жамиятнинг 2019 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисобварағи билан таништирди.

Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича товар айланмаси 21 269 919,6 минг сўмни ташкил этади, бизнес-режа кўрсаткичларига нисбатан 59,9 фоизни ташкил этади.

2019 йил якуни бўйича жамият 197 506,7 минг сўм соф фойда билан яқунланди. Ялпи даромад бизнес-режа бўйича 5 347 826,09 минг сўмни, ҳақиқатда эса 2 171 368,1 минг сўм, бизнес-режага нисбатан 40,6 фоизга бажарилган.

2019 йил якуни бўйича фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига жами бўлиб, 21 269 919,6 минг сўмлик ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалик техникалари, улар учун мосламалар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

Молиявий фаолият бўйича 314 042,1 минг сўм даромад олинган. Шундан:

- фоиз шаклидаги даромад - 258, 112,9 минг сўм.

- курс фарқи (мусбат +) - 55 929,2 минг сўм.

2019 йил давомида жамият томонидан давр харажатлари учун 4 978 709,9 минг сўм сарфланган бўлиб, шундан:

- сотиш харажатлари - 269 940,3 минг сўм.

- маъмурий харажатлар - 3 970 092,2 минг сўм.

- бошқа операцион харажатлар - 738 677,4 минг сўм.

2019 йил якуни бўйича фоиз кўринишидаги харажатлар 56 647,4 минг сўмни, валюта курси фарқидан зарарлар 163 146,2 минг сўмни ташкил этган.

Жамият томонидан 2019 йилда қарздор хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қарздорликни ундириш учун иктисодий судларга 18 та даъво аризалар киритилган. Киритилган даъво аризалар суд томонидан қаноатлантирилган. Шунингдек, суд жараёни давомида 6 та қарздорлардан жами 217 403,0 минг сўм ундирилган.

Суд ижро ҳужжатлари жамият томонидан ҳудудий ижро бюроларига ижро учун юборилган бўлиб, 7 та қарздорлардан жами 154 331,9 минг сўм ундирилган.

2019 йил 31 декабрь ҳолатига дебиторлик қарзи - 5 357 526,0 минг сўмни ташкил қилади.

Бундан ташқари, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига жамият томонидан Бухоро вилоятида жойлашган “TALISAFET TOMORQA XIZMAT” МЧЖ, “OASIS HALOL FOOD” МЧЖ, “RUSTAMOV MUXSIN” МЧЖ, “ROMITAN CHELONG’U BOG’LARI” МЧЖ, “G’IJDUVON AGRO INVEST STROY” МЧЖ, “SIYAVUSH AGRO” МЧЖ ва “MIRZO JAMSHID” фермер хўжаликларга интенсив боғлар барпо этиш учун жами 10 200 000,0 минг сўм займ берилган.

2019 йил 31 декабрь ҳолатига кредиторлик қарзи - 10 284 657,0 минг сўмни ташкил қилади. Шундан 6 500 000,0 минг сўми “LEADER FINANCE” МЧЖ томонидан 2019 йил давомида жамиятга ажратилган молиявий ёрдамдан иборат.

Жамиятнинг 2020 йил 1 январ ҳолатига таъсисчилардан қарзи 7 100 000,0 минг сумни ташкил этади. Бу қарздорлик “LEADER FINANCE” МЧЖ томонидан 2019 йил давомида жамиятнинг устав фондида ўтказиб берилган маблағдан иборат.

2019 йил 31 декабрь ҳолатида бухгалтерия баланси бўйича узоқ муддатли инвестициялар 156 800,0 минг сўмни ташкил қилади.

Инвестиция портфели куйидагича тавсифланади:

“Агробанк” АТБнинг акциялари - 116 800,0 минг сўм;

“Пахта Лизинг Сервис Маркази” МЧЖ устав фондидаги улуш - 40 000,0 минг сўм.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга кўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**6. Кун тартибидаги олтинчи масала** (2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш, акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш) бўйича йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган 197 506,7 минг сўм соф фойдасини куйидаги тартибда тақсимлашни таклиф қилди.

жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган 197 506,7 минг сўм миқдоридаги соф фойдасини куйидагича тақсимлашни таклиф қилди.

- 5,0 фоизини, яъни 9 875,3 минг сўми жамият захира фондида;

- 4,5 фоизини, яъни 8 831,3 минг сўми жамият Тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантиришига;
- 40,5 фоизини, яъни 80 015,1 минг сўми жамият меҳнат жамоаси аъзоларини моддий рағбатлантиришига;
- 50,0 фоизи, яъни 98 785,0 минг сўми дивиденд тўлашга.

Шунингдек, жамиятнинг 2019 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 42,95 сўм миқдориди дивиденд тўлашини ҳамда дивидендлар пул кўринишида қуйидаги тартибда акциядорларга тўлаб беришини таклиф қилди:

- дивидендлар акциядорларга уларни банк ҳисоб рақамларига тўлаб бериш;
- ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кун муддат ичида тўлаб бериш.
- дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2020 йил 28 декабрь, тугатиш санаси 2021 йил 26 февраль этиб белгилаш.

Маъруза юзасидан саволлар бўлмади. Йиғилиш раиси И.С.Аманов ушбу масала бўйича акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**7. Кун тартибидидаги еттинчи масала** (*Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига 2019 йил фаолияти учун моддий рағбатлантириш миқдорини тасдиқлаш*) бўйича жамият Бошқарув раиси А.Н.Холмуратов сўзга чиқиб, 2019 йил фаолияти учун жамият Тафтиш комиссияси раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдориди ва Тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳар бирига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари миқдориди (умумий йиғилиш қарор қабул қилинган санада) моддий рағбатлантиришини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**8. Кун тартибидидаги саккизинчи масала** (*Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказиш учун ташқи аудиторни ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини тасдиқлаш*) бўйича жамият Бошқарув раиси А.Н.Холмуратов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказилиши учун танлов эълон қилинганлигини ва қуйидаги 4 та аудиторлик ташкилотларидан тижорат таклифлари келиб тушганлигини маълум қилди.

1.МЧЖ шаклидаги “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 25,0 млн.сўм);

2.МЧЖ шаклидаги “SAMIMIY AUDIT” аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 22,0 млн.сўм);

3.МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 15,0 млн.сўм);

4.МЧЖ шаклидаги “BALANS-INFORM-AUDIT” аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 36,0 млн.сўм).

Шунингдек, ушбу аудиторлик ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилганлигини ҳамда Кузатув кенгаши аъзолари томонидан ушбу масала атрофида муҳокама қилиниб, жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказилиши учун

жамиятнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизмат ҳақи миқдори чегарасини белгилаш учун таклиф берган аудиторлик ташкилотлари акциядорларнинг умумий йиғилиши овоз бериш бюллетенига киритилганлигини маълум қилди.

Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказилиши учун ушбу аудиторлик ташкилотларидан бирини тасдиқлаб беришингизни сўради.

Маъруза юзасидан саволлар бўлмади. Йиғилиш раиси И.С.Аманов ушбу масала бўйича акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилди.

Овоз бериш натижалари:

1.МЧЖ шаклидаги “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 25,0 млн.сўм);

**“Тарафдор” - 0, “Қарши” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Бетараф” - 0.**

2.МЧЖ шаклидаги “SAMIMIY AUDIT” аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 22,0 млн.сўм);

**“Тарафдор” - 0, “Қарши” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Бетараф” - 0.**

3.МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 15,0 млн.сўм);

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

4.МЧЖ шаклидаги “BALANS-INFORM-AUDIT” аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 36,0 млн.сўм).

**“Тарафдор” - 0, “Қарши” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Бетараф” - 0.**

**9. Кун тартибидagi тўққизинчи масала (Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш)** бўйича йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

“Агробанк” АТБ томонидан 2020 йил 30 январдаги 11-2-21/122-сонли ва 2020 йил 9 декабрдаги 11-2-21/1191-сонли хатлар билан жамият Кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар кўрсатилган.

1.Расулов Шухрат Гайратович - банк Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;

2.Аманов Илёс Сиддиқович - Бошқарув раиси ўринбосари;

3.Тўраев Азамат Шухратович - банк Бошқарув раиси ўринбосари;

4.Шеров Абдурахмон Сатторович - Бош менеджер - маслаҳатчи;

5.Мусурманов Эркин Шеркузиёвич - банкнинг Ғазначилик департаменти директори;

6.Очилов Шухратилла Тоштемирович - банкнинг Ғазначилик департаменти бошқарма бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига асосан Кузатув кенгаши аъзолигига берилган 6 нафар номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилишида кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилди.

Жамият Уставига мувофиқ жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 8 кишидан иборатлиги белгиланган.

Ушбу номзодларни жамият Кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун кумулятив тарзда овоз беришини сўради.

Шунингдек, йиғилиш раиси И.С.Аманов жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича акциядорларга кумулятив овоз бериш тартибини батафсил тушунтириб берди.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**1.Расулов Шухрат Гайратович - банк Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - 2 288 500 та овоз;**

2.Аманов Илѐс Сиддикович - Бошқарув раиси ўринбосари - 2 288 500 та овоз;  
3.Тўраев Азамат Шухратович - банк Бошқарув раиси ўринбосари - 2 288 500 та овоз;

4.Шеров Абдурахмон Сатторович - Бош менеджер - маслаҳатчи - 2 288 500 та овоз;

5.Мусурманов Эркин Шеркузиевич - банкнинг Ғазначилик департаменти директори - 2 288 500 та овоз;

6.Очилов Шухратилла Тоштемирович - банкнинг Ғазначилик департаменти бошқарма бошлиғи - 2 288 500 та овоз.

**10. Кун тартибидаги ўнинчи масала** (*Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш*) бўйича йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

“Агробанк” АТБ томонидан 2020 йил 30 январдаги 11-2-21/122-сонли ва 2020 йил 9 декабрдаги 11-2-21/1191-сонли хатлар билан жамият Тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар кўрсатилган.

1.Жураев Шерзод Шамсиевич - банкнинг Ғазначилик департаменти Ликвидлиликни бошқариш бошқармаси бошлиғи;

2.Ражабов Эшмурод Рузибаевич - банкнинг Ғазначилик департаменти Қимматли қоғозлар бошқармаси бўлим бошлиғи;

3.Асираров Рамзиддин Зайниддинович - банкнинг Ғазначилик департаменти Ликвидлиликни бошқариш бошқармаси Актив ва пасивларни бошқариш бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига асосан Тафтиш комиссияси аъзолигига берилган 3 нафар номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилишида Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилди.

Жамият Уставига мувофиқ жамият Тафтиш комиссияси 3 кишидан иборатлиги белгиланган.

Ушбу номзодларни жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига сайлаш учун овоз беришини сўради.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

1.Жураев Шерзод Шамсиевич - банкнинг Ғазначилик департаменти Ликвидлиликни бошқариш бошқармаси бошлиғи.

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

2.Ражабов Эшмурод Рузибаевич - банкнинг Ғазначилик департаменти Қимматли қоғозлар бошқармаси бўлим бошлиғи.

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

3.Асираров Рамзиддин Зайниддинович - банкнинг Ғазначилик департаменти Ликвидлиликни бошқариш бошқармаси Актив ва пасивларни бошқариш бўлими бошлиғи.

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала** (*Жамият Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини 1(бир) йилга узайтириш*) бўйича йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, жамият Бошқарув раиси А.Н.Холмуратов кўп йиллардан бери жамиятда Бошқарув раиси лавозимида ишлаб келаётганлигини ва шу соҳада катта тажрибага эга эканлигини инобатга олиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини 1(бир) йилга узайтиришини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала** (*Жамият Бошқарув аъзоларини сайлаш*) бўйича Кузатув кенгаши раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, жамият бошқарув аъзолигига куйидаги номзодларни сайлаш учун овоз беришини сўради.

1. Эшматов Мирзаахмат Ўролович - жамият Бошқарув раиси ўринбосари.
2. Бобомуродов Шарофжон Насимбаевич - жамият бош ҳисобчиси.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

1. Эшматов Мирзаахмат Ўролович - жамият Бошқарув раиси ўринбосари.

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

2. Бобомуродов Шарофжон Насимбаевич - жамият бош ҳисобчиси.

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**13. Кун тартибидаги ўн учинчи масала** (*Жиззах вилояти Зомин туманида боғ ва токзорлар барпо этиш бўйича томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш технологиялар ҳамда кўчатлар сотиб олиш учун тузилган йирик битимни тасдиқлаш*) бўйича жамият бошқарув раиси А.Н.Холмуратов сўзга чиқиб, куйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Жиззах вилояти Зомин туманида замонавий томчилаб суғориш технологияси асосида интенсив боғ ва токзорларни барпо этиб, тайёр ҳолда аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга узоқ муддатли лизинга бериш мақсадида “OSC TEKSTIL TARIM GIDA SOGUTMA SISTEMLERI INSAAT SAN. VE TIC. LTD.STI” Компанияси (Туркия) билан боғ ва токзорлар учун томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш технологиялар ҳамда кўчатлар сотиб олиш учун жами 2 372 307,37 АҚШ доллари миқдорида 2020 йил 3 январда OSC-G-425-20-сонли контракт тузилди.

Ушбу “OSC TEKSTIL TARIM GIDA SOGUTMA SISTEMLERI INSAAT SAN. VE TIC. LTD.STI” Компанияси (Туркия) билан боғ ва токзорлар учун томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш технологиялар ҳамда кўчатлар сотиб олиш учун жами 2 372 307,37 АҚШ доллари миқдорида тузилган контракт жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 83-моддасига асосан йирик битим деб ҳисобланади.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида “OSC TEKSTIL TARIM GIDA SOGUTMA SISTEMLERI INSAAT SAN. VE TIC. LTD.STI” Компанияси (Туркия) билан боғ ва токзорлар учун томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш технологиялар ҳамда кўчатлар сотиб олиш учун йирик битим тузилиши маъқулланган ва тасдиқлаш учун кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шунга кўра, “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “OSC TEKSTIL TARIM GIDA SOGUTMA SISTEMLERI INSAAT SAN. VE TIC. LTD.STI” Компанияси (Туркия) уртасида боғ ва токзорлар учун томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш технологиялар ҳамда кўчатлар сотиб олиш учун тузилган йирик битимни тасдиқлаш масаласи жамият акциядорлари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “OSC TEKSTIL TARIM GIDA SOGUTMA SISTEMLERI INSAAT SAN. VE TIC. LTD.STI” Компанияси (Туркия) уртасида боғ ва токзорлар учун томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш технологиялар ҳамда кўчатлар сотиб олиш учун жами 2 372 307,37 АҚШ доллари миқдорида 2020 йил 3 январда тузилган OSC-G-425-20-сонли контрактни, яъни йирик битимни тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**14. Кун тартибдаги ўн тўртинчи масала** (*Қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритиш учун тузилган қўшимча келишув шартномаларини тасдиқлаш*) бўйича жамият Бошқарув раиси А.Н.Холмуратов сўзга чиқиб, “G’IJDUVON AGRO INVEST STROY” МЧЖ, “RUSTAMOV MUXSIN” МЧЖ, “ROMITAN CHELONG’U BOG’LARI” МЧЖ, “SIYAVUSH AGRO” МЧЖ ва “OASIS HALOL FOOD” МЧЖлари томонидан жамиятга 2020 йил 13 январда хатлар берилганлигини маълум қилди ва ушбу хатлар билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Ушбу хатларнинг мазмунига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 13-сонли йиғилиш баёнининг 47-бандидаги “Агробанк” АТБ ташаббускорлигида 500 гектар интенсив боғ ва токзорларни барпо қилиш ҳамда аҳолига лизинг шартларида ижарага бериш бўйича топшириқ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича интенсив боғ барпо қилиш учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра “G’IJDUVON AGRO INVEST STROY” МЧЖ томонидан 1 440 000,0 минг сўм, “RUSTAMOV MUXSIN” МЧЖ томонидан 7 084 085,0 минг сўм, “ROMITAN CHELONG’U BOG’LARI” МЧЖ томонидан 7 084 085,0 минг сўм, “SIYAVUSH AGRO” МЧЖ томонидан 7 084 085,0 минг сўм, “OASIS HALOL FOOD” МЧЖ томонидан 4 810 797,0 минг сўм миқдоридан пул маблағлари талаб қилинган. Узум, олма ва нок дарахтлари экиладиган майдонларда симбағазлар ўрнатиш ва устини тўр билан қоплаш учун ҳамда интенсив боғ барпо қилиш учун ниҳоллар, томчилаб суғориш тизими, симбағазлар ва техникалар Туркия давлатидан олиб келинаётганлиги сабабли қўшимча харажатлар талаб қилинганлиги сабабли харажатлар суммаси ўзгарган. Агротехник тадбирлар ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун илгари тузилган қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритиш учун қўшимча келишув шартномалари тузиши сўраганлар.

Шунга мувофиқ, “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “G’IJDUVON AGRO INVEST STROY” МЧЖ, “RUSTAMOV MUXSIN” МЧЖ, “ROMITAN CHELONG’U BOG’LARI” МЧЖ, “SIYAVUSH AGRO” МЧЖлари ўртасида 2019 йил 1 ноябрда тузилган 3, 4, 5, 6-сонли ҳамда “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “OASIS HALOL FOOD” МЧЖ ўртасида 2019 йил 13 ноябрда тузилган 7-сонли қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритиш учун қўшимча келишув шартномалари тузилган.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “G’IJDUVON AGRO INVEST STROY” МЧЖ, “RUSTAMOV MUXSIN” МЧЖ, “ROMITAN CHELONG’U BOG’LARI” МЧЖ, “SIYAVUSH AGRO” МЧЖлари ўртасида 2019 йил 1 ноябрда тузилган 3, 4, 5, 6-сонли ҳамда “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “OASIS HALOL FOOD” МЧЖ ўртасида 2019 йил 13 ноябрда тузилган 7-сонли қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритиш учун қўшимча келишув шартномалари тузилиши маъқулланган ва тасдиқлаш учун кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шунга кўра, “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “G’IJDUVON AGRO INVEST STROY” МЧЖ, “RUSTAMOV MUXSIN” МЧЖ, “ROMITAN CHELONG’U BOG’LARI” МЧЖ, “SIYAVUSH AGRO” МЧЖлари ўртасида 2019 йил 1 ноябрда тузилган 3, 4, 5, 6-сонли ҳамда “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “OASIS HALOL FOOD” МЧЖ ўртасида 2019 йил 13 ноябрда тузилган 7-сонли қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритиш учун тузилган қўшимча келишув шартномаларини тасдиқлаш масаласи жамият акциядорлари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “G’IJDUVON AGRO INVEST STROY” МЧЖ, “RUSTAMOV MUXSIN” МЧЖ, “ROMITAN CHELONG’U BOG’LARI” МЧЖ, “SIYAVUSH AGRO” МЧЖлари ўртасида 2019 йил

1 ноябрда тузилган 3, 4, 5, 6-сонли ҳамда “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “OASIS HALOL FOOD” МЧЖ ўртасида 2019 йил 13 ноябрда тузилган 7-сонли қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритиш учун тузилган кўшимча келишув шартномаларини тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

**15. Кун тартибидаги ўн бешинчи масала** *(Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш)* бўйича жамият Бошқарув раиси А.Н.Холмуратов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 85-моддасига кўра жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилади.

Шунингдек, жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилади.

Қонуннинг 88-моддасига кўра жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Шунга кўра, жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши кутилаётган битимларни маъқуллаш масаласи акциядорлардан сўралмоқда.

Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши кутилаётган битимлар рўйхати илова қилинади.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.С.Аманов сўзга чиқиб, “AGRO FINANS LIZING” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши кутилаётган битимларни маъқуллашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

**“Тарафдор” - 100%, 2 288 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.**

Кун тартибида кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда овоз бериш натижаларига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1.Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2.Жамият Бошқарув раисининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

3.Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

5. Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисобварағи тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган 197 506,7 минг сўм миқдордаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 5,0 фоизини, яъни 9 875,3 минг сўми жамият захира фондига;
- 4,5 фоизини, яъни 8 831,3 минг сўми жамият Тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантиришига;
- 40,5 фоизини, яъни 80 015,1 минг сўми жамият меҳнат жамоаси аъзоларини моддий рағбатлантиришига;

- 50,0 фоизи, яъни 98 785,0 минг сўми дивиденд тўлашга.

Жамиятнинг 2019 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 42,95 сўм миқдорда дивиденд тўлансин:

- дивидендлар акциядорларга уларни банк ҳисоб рақамларига тўлаб берилсин;
- ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кун муддат ичида тўлаб берилсин;
- дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2020 йил 28 декабрь, тугатиш санаси 2021 йил 26 февраль этиб белгилансин.

7. 2019 йил фаолияти учун жамият Тафтиш комиссияси раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдорда ва Тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳар бирига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари миқдорда (умумий йиғилиш қарор қабул қилинган санада) моддий рағбатлантирилсин.

8. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказиш учун ташқи аудитори этиб, МЧЖ шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ҳамда унинг хизмат ҳақи миқдори 15,0 млн. сўм қилиб белгилансин.

9. Жамият Кузатув кенгаши таркибига қуйидагилар сайлансин:

- 1). Расулов Шухрат Гайратович - банк Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;
- 2). Аманов Илёс Сиддиқович - банк Бошқарув раиси ўринбосари;
- 3). Тўраев Азамат Шухратович - банк Бошқарув раиси ўринбосари;
- 4). Шеров Абдурахмон Саггорович - Бош менеджер - маслаҳатчи;
- 5). Мусурманов Эркин Шеркузиёвич - банкнинг Ҳазначилик департаменти директори;
- 6). Очилов Шухратилла Тоштемирович - банкнинг Ҳазначилик департаменти бошқарма бошлиғи.

10. Жамият Тафтиш комиссияси таркибига қуйидагилар сайлансин:

- 1). Жураев Шерзод Шамсиевич - банкнинг Ҳазначилик департаменти Ликвидликни бошқариш бошқармаси бошлиғи;
- 2). Ражабов Эшмурод Рузибаёвич - банкнинг Ҳазначилик департаменти Қимматли қоғозлар бошқармаси бўлим бошлиғи;
- 3). Асираров Рамзиддин Зайниддинович - банкнинг Ҳазначилик департаменти Ликвидликни бошқариш бошқармаси Актив ва пассивларни бошқариш бўлими бошлиғи.

11. Жамият Бошқарув раиси А.Н. Холмуратов билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини 1(бир) йилга узайтирилсин.

12. Жамият бошқарув аъзолигига Эшматов Мирзаахмат Ўролович (жамият Бошқарув раиси ўринбосари) ва Бобомуродов Шарофжон Насимбаёвичлар (жамият бош ҳисобчиси) сайлансин ва улар билан 1 (бир) йил муддатга меҳнат шартномаси тузилсин.

13. “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “OSC TEKSTIL TARIM GIDA SOGUTMA SISTEMLERI INSAAT SAN. VE TIC. LTD.STI” Компанияси (Туркия) уртасида боғ ва

тоқзорлар учун томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш технологиялар ҳамда кўчатлар сотиб олиш учун жами 2 372 307,37 АҚШ доллари миқдориди 2020 йил 3 январда тузилган OSC-G-425-20-сонли контракт, яъни йирик битим тасдиқлансин.

14.“AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “G’IJDUVON AGRO INVEST STROY” МЧЖ, “RUSTAMOV MUXSIN” МЧЖ, “ROMITAN CHELONG’U BOG’LARI” МЧЖ, “SIYAVUSH AGRO” МЧЖлари ўртасида 2019 йил 1 ноябрда тузилган 3, 4, 5, 6-сонли ҳамда “AGRO FINANS LIZING” АЖ ва “OASIS HALOL FOOD” МЧЖ ўртасида 2019 йил 13 ноябрда тузилган 7-сонли қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритиш учун тузилган қўшимча келишув шартномалари тасдиқлансин.

15.“AGRO FINANS LIZING” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши кутилаётган битимлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси И.С.Аманов акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома 2020 йил 28 декабрда тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



И.С.Аманов



Н.А.Умбетова